НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК, ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР!

Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan | 2003 yil, 21 mart № 12-13 (549-550) | Sotuvda narxi erkin

Азиз ҳамкасблар, муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мамлакатимиз алоқачиларини ҳамда барча юртдошларимизни янгиланиш, уйғониш ва яшариш фасли бўлган Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади.

Наврўз барчага оилавий тинчлик-тотувлик, фаровонлик, бахт-саодат, хонадонларига кут-барака ва хотиржамлик олиб киришини тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти

АКЦИЯДОРЛАР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро Бизнес-маркази мажлислар залида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.ИЗБОСАРОВ олиб борди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдиновнинг компаниянинг 2002 йилги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди. Маърузачи 2002 йили "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг асосий эътибори истеъмолчиларга кенг кўламда алоқа хизматларини кўрсата оладиган юқори технологияли телекоммуникация тизимларини жорий этишга, бозор шароитига мос жараёнларни кучайтириш, бошқариш шаклини тартибга солиш, алоқа хизматларига бўлган таклиф турларини кенгайтириш йўли билан рақобатбардошликни ошириш каби тадбирларга қаратилганини таъкидлаб ўтди.

Мажлисда шунингдек, 2002 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботларининг тасдиқланиши, 2002 йил натижалари бўйича соф даромадни тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш, "Ўзбектелеком" АК Кузатув Кенгашининг 2003 йилга компания аудиторини тасдиқлаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Йиғилиш давомида кун тартибидаги масалалар юзасидан акциядорлар ва Кузатув Кенгаши аъзолари ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. 1997 йилдан буён Компания аудитори сифатида "Аломат-аудит" фирмаси фаолият кўрсатиб келаётганди. Кузатув Кенгаши аъзоларининг таклифи билан жорий йилдан бошлаб мазкур фирма билан биргаликда "Конс-аудит информ" фирмаси ҳам аудиторлик текширувида қатнашадиган бўлди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Хусниддин ШАРИПОВ

НУРАФШОН НАВРЎЗ

Қанот ёз, эй юрак, табиат қувон,
Фасл ҳам навқирон, биз ҳам навқирон,
Бу офтоб, бу ёшлик бўлиб армуғон,
Қўлда гул, кўзда нур, тилда гўзал сўз,
Бу менинг Наврўзим,
Нурафшон Наврўз.

Навбаҳор боғларга тикар чайласин,
Майсалар яшнасин, қушлар яйрасин,
Куйламоқ пайтидир тинчлик ялласин,
Марҳабо даврага, дўст бўлайлик, дўст,
Бу сенинг Наврўзинг,
Нурафшон Наврўз.

Меҳрнинг конидир инсон кўкраги,
То абад айтилар ёшлик эртаги,
Лаб очиб жилмаяр ҳаёт куртаги,
Сен ҳам гул диёрда ўйнаб-кулиб ўс,
Бу менинг Наврўзим,
Бу сенинг Наврўзинг,
Нурафшон Наврўз!

Tadbir

ҲАММА ҲАШАРГА ЧИҚДИ

"Обод маҳалла йили" муносабати билан 15 март куни Умумхалқ хайрия ҳашари Тошкент ахборот технологиялари университетида кўтаринки руҳ билан ўтказилди.

Университет талабалари (700 киши) олийгоҳ ҳудуди, Ғиёс Умаров маҳалласида (50 киши), Ағзамов кўчасидаги МОТЎМ ётоқхонаси (30 киши), 88-мактаб ҳудуди (30 киши), Амир Темур ва Жаҳон Обидова кўчаларидаги (490 киши) ободонлаштириш ишларида астойдил меҳнат қилдилар. Университет биноси хоналарини тозалаш ва тартибга келтириш ишларига эса 500 киши жалб этилди.

Ҳамжиҳатлик билан, юқори кайфиятда ўтказилган мазкур шанбалик азиз байрамимиз — Наврўзни кутиб олишга муносиб ҳозирлик бўлди.

Н.МЎМИНОВ

АЛОҚАЧИ "ЗАКОВАТ"ЧИЛАР

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Yoshlar" телеканалида мана қарийб икки йилдирки "Заковат" интеллектуал телеўйини кўрсатилмоқда. Қисқа давр ичида бу ўйин республикамиз бўйлаб ўз мухлисларини топди. Эндиликда жойларда, турли ўқув муассасалари, олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳам "Заковат" ўйинлари ташкил қилиниб, ёшларимиз унда фаол иштирок этмоқдалар.

Яқинда мана шундай тадбир Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Уни коллеж директори Саидмаҳмуд Акбаров олиб борди. Таъкидлаш жоизки, унда талабалар нафақат таълим олаётган мутахассисликлари, балки бошқа соҳаларда ҳам ўз билимларини синаб кўришга муваффақ бўлдилар.

— "Заковат" интеллектуал ўйинини ташкил қилишдан мақсад талабаларнинг фикрлаш доираларини кенгайтириш, уларнинг дунёвий билимларини ошириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири А.Обидова. — Мазкур ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишда коллежимиз раҳбарияти, "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда бўлим мудирларининг хизмати катта бўлди.

Ўйинга тўхталадиган бўлсак, унда иштирок этаётган Радио ва телевидение бўлимининг "Радио-алоқачилар", Автоматик ва туман электр алоқаси бўлимининг "Интерфейс", Менежмент ва бухгалтерия ҳисоботи бўлимининг "Иқтисодчилар", Кўп каналли электр-алоқаси бўлимининг "Йўлдош" жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Унинг шартларига кўра, беллашув бир неча тур давом этади ва ҳар сафар бир жамоа вакиллари стол атрофида йиғилади. Қолган уч жамоа эса ўзларининг саволлари билан уларга қарши баҳс олиб боради. Ўйинда саволга жавоб топган жамоага, аксинча бўлиб чиқса савол қўйган жамоага бир балл берилади. Шу тариқа ўйин якунида жамоаларнинг умумий баллари йиғилиб, бир неча турдан сўнг ғолиб аниқланади.

"Заковат" интеллектуал ўйинининг иккинчи турида "Йўлдош" жамоаси ўз имкониятларини намойиш қилишга ҳаракат қилди ва 5 баллни қўлга киритди. Қолган жамоалар эса қуйидаги баҳоларга эга бўлди: "Интерфейс" жамоаси 5 балл, "Иқтисодчилар" жамоаси 3 балл ва "Радио-алоқачилар" жамоаси 2 балл.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг "Заковат" интеллектуал ўйини 2002-2003 ўқув йили якунига қадар давом этади.

Л.ТУРСУНОВ

Б а ҳ о р ! Бу сўзнинг ўзида юят гўзал. Баҳор — кўклам демак, яшариш, янгиланиш демакдир. Айниқса, Наврўзнинг кириб келиши дилларга ажиб бир шукуҳ бахш этади. Наврўзда одамлар бир-бирига меҳр улашишга, табассум ила дийдор кўришмоққа, эзгу тилаклар изҳор этишга ошиқадилар...

НАВРЎЗ ҲАР БИР ДИЛНИ НУРГА ТЎЛДИРСИН

Шодмон САЛОМОВ, "Қашқадарё почтаси" АЖ Касби филиали директори:

Элга хизмат қилишдан ҳам бунюкроқ ва шарафлироқ бахт бўлмаса керак. Хизматимиз ҳақида алқаб гапираётган одамлар гурунгига қулоқ тутсам ўз ишимдан, касбимдан фахрланиб кетаман.

Туманимиз чўл бағрида жойлашган. Бийдек чўл кўклам келиши билан яшнаб кетади. Кенгликларга, ям-яшил либосга бурканган далаларга боқиб тўймайсан. Осмонда эса арғимчоқ солиб турналар қанот қоқади... Шундай янгиланиш, ёшариш пайти ўлкамизга Наврўз — янги йил, янги кун таширф буюради. Бу улуғ айёмни ўз яқинларингдек бўлиб қолган жамоанг билан нишонлаш қалбингни яна-да қувончларга тўлдиради.

Корхонамизда 56 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ҳар ким ўзига биркитилган вазифани сидқидилдан ало этмоқда. Жўнатмалар, аҳолидан коммунал тўловлар — газ, сув, электр энергияси ва телефон хизмати ҳақларини қабул қилиш ишлари амалга оширилади. Ўтган йилги жами даромад 31 миллион 890 минг сўмни ташкил этди.

Алоқа хизматини замона талаблари даражасига кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Бу борада изланиш, ҳамкорлик қилиш ишларини олиб боряпмиз. Замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишни режалаштирганмиз. Жорий йили ушбу ниятларимиз ҳам амалга ошишига умидвормиз.

Наврўз байрамида барча юрт-дошларимизга Яратгандан тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик сўраб, хонадонларидан ҳеч қачон файз-барака аримаслигини тилаб қоламан.

Толиб ҲАКИМОВ, Бухоро шаҳри:

Алоқа соҳасида ишлаб келаётганимга ҳам 40 йилдан ошди. Ўз меҳнат фаолиятимни лабораторияда муҳандислигидан бошлаганман. Шундан сўнг 20 йил давомида шаҳарлараро телефон станциясига бошчилик қилдим. Меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи муҳандис сифатида иш олиб борган йилларимни ҳам ҳаётимнинг энг мазмунли ва самарали даври сифатида тез-тез ёдга оламан. Турли байрам ва қутлуғ саналар баҳонасида ўтказиб туриладиган тадбирлар чоғида қалбимдаги энг покиза ўй-туйғулар қайта жунбушга келгандек бўлади. Табиийки, Наврўзнинг шукуҳли кунлари муносабати билан ташкил этиладиган шодон давралар ҳам бундан мустасно эмас.

Шогирдларим, ҳамкасбларим юзкўзига боқиб, турли ёшдаги алоқачилар билан мулоқотда бўлар эканман, мамлакатимизнинг эртанги куни янада порлоқ эканлигига, барча соҳаларда бўлганидек алоқа тизимида ҳам яқин йилларда оламшумул ўзгаришлар рўй беришига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламан. Хаёлан бўлса-да бундан 15 йилларча олдинги Наврўз билан бугунги кунда республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ўтказиладиган байрам тантаналарини таққослайман. Тоталитар тузум даврида Наврўзни байрам қилиш ман этиб қўйилганлигини эсласам, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз камситилган ҳолатларга ўзим гувоҳ бўлган кунларни ёдга олсам, истиқлолимизга астойдил шукроналар айтгим келади. Барча фахрийлар қатори мустақиллигимиз мангу бўлишини Аллоҳдан қайта-қайта сўрайман. Иншолло, бу эзгу ниятлар албатта ижобат бўлгай. Шу кунларда бутун диёримизда кенг байрам қилинаётган Наврўзи олам ҳам бунинг исботидир. Қутлуғ айём муносабати билан барча-барчани қизғин муборакбод этаман.

Эргаш МАТҚУРБОНОВ, Давлат алоқа инспекциясининг Меъёрий ҳужжатлар бўлими муҳандиси:

Баҳор кириб келиши билан қалбимизга ажиб бир илиқлик инади. Тоза ва мусаффо осмонга, қийғос гуллаган дарахтларга боқиб тўймайсан. Самода чарх урган қушлар чуғуридан, ям-яшил майсалар ифоридан сармаст бўласан.

Наврўз — баҳор ва тинчлик, яшариш ва гўзаллик байрами. Бу айём неча асрлардан буён ўз тароватуҳини йўқотмай келмоқда. Уни эъзозловчи халқ, одамлар бор экан, у йўқотилмайди ва йўқолмайди ҳам.

Наврўз севги васфидек тоза, беғубор, гўёки борлиқни яшнатиб уйқудан уйғонган гўзал малак мисол кўз олдимизда гавдаланади. Соғинганимиз сумалак таъмию кўм-кўк майсалар исидан энтикиб-энтикиб баҳра оламиз ва шу кунларга етказган Аллоҳга беадад шукроналар қиламиз. Наврўз ташрифи билан қутламоқ истаги шундай тотлики, ўз-ўзидан ҳар бир дилни тенгсиз қувонч, ҳамма-ҳаммага фақат ва фақат эзгуликлар соғиниш ҳислари чулғаб олади. Бу айём шарофати шундай сеҳрлики, яқинларимиз дийдорини кўрмоққа ошиқамиз ҳамда яқинларимиз дийдорини орзиқиб кутамиз.

Наврўз янги йил, янги ҳаёт ва янги режаларнинг кириб келишига қиёсланади. Фурсатдан фойдаланиб ҳамкасбларим ва ёрбиродарларимга эзгу ишларида омад, баркамоллик, оилавий ҳаётида бир-бирларига меҳр-оқибатли ва табассумли, дўст-душман ичида шўх-хандонг самимий бўлиб қолишларини истаб, яшасин Наврўз дейман.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

"САНАМЛАР САРВАРИ" ДИЛНИ ЭТДИ ЛОЛ

"Бухоро Телеком" филиалининг Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасида ўтказилган шу номдаги қизиқарли танлов давомида бир гуруҳ телефончи, иқтисодчи ва оператор қизларнинг зукколиги-ю ҳозиржавоблиги, касб маҳоратию иқтидори, ширинсуханлиги-ю одоби, пазандалиги-ю орасталиги бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Қизлар миллий таомлар тайёрлаш, рақсга тушиш, қўшиқ айтиш борасида ўзаро куч синашдилар. Қайнона-келин муносабатларини эркин мавзулардаги чиқишларида намоён эта олдилар. Ўзлари танлаган касбнинг энг нозик сир-асрорларини билишларини амалда кўрсатдилар. Танлов якунида энг малоҳатли, энг латофатли ва энг гўзал қизлар аниқланди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ иқтисодчи қиз Феруза Жалилова ғолибликни қўлга киритиб, "Санамлар сарвари" деган шарафли номга сазовор бўлди.

Танлов қатнашчилари шаҳар телекоммуникация боғламаси бошланғич касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

А.ИСТАМОВ

АЛОҚА МУЗЕЙИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли эканлигини улуғларимиз бежиз таъкидламаганлар. Дарҳақиқат, инсон ўз ўтмишини яхши билмас экан, унинг ўзлигини англаши ҳам осон кечмайди. Ўтмиш бизни фикрлашга, мулоҳаза-мушоҳадага чорлайди. Бебаҳо тарихий меросимизни ўрганиш орқали аждодларимизнинг яратувчанлик салоҳиятидан ҳайратга тушамиз. Бир томондан қалбимизда фахр-ифтихор туйғуси жўш урса, иккинчи томондан уларнинг буюк ишлари унутилиб, йўқ бўлиб кетмаганига шукроналар айтамиз. Халқимизнинг бебаҳо маданий ёдгорликлари ва тарихий шахсларнинг ҳаёт йўли мутасил ўрганишга лойиқ қадриятлардандир.

Аждодларимиз ўзаро ахборот етказишнинг кўплаб усулларини излаб топишган ва бундан амалиётда фойдаланганлар. Илк алоқа воситаларидан бири жарчилар ва хабарчилар ҳисобланади. Жарчилар қалъа ёки қишлоқларда юриб, овозининг борича шоҳ фармонлари ва бошқа зарур маълумотларни аҳолига етказган. Шунингдек, одам товушини эшитиш ва ўзини кўриш мумкин бўлган масофада, яъни ҳар чақиримда турган хабарчилар орқали маълумотлар тезда узоқ ҳудудларга етиб борган. Эрамиздан олдинги IV-V асрларда Хоразм ҳудудидаги шоҳ меҳмонхоналари почта идораси вазифасини ўтаган. Хабарчи узоқ йўл босиб, шоҳнинг зарур топшириқ ва кўрсатмаларини кейинги меҳмонхонадаги шеригига етказган ҳамда янги маълумотни олгунча шу жойда ҳордиқ чиқарган. Почта амалдорлари асосан давлат эҳтиёжларига хизмат кўрсатишган. XIX асргача Хоразмдаги почта хизмати турли номлар билан атаб келинган.

Хива почта идораси Муҳаммад Раҳимхон II даврида, яъни 1873 йили фаолият кўрсата бошлаган. 1895 йили Хивада биринчи телефон станцияси ишга туширилган. Бу 20 рақамга мўлжалланган "Эриксон МБ" станцияси эди. 1912 йили Хива хони вазири Исломхўжа таклифи билан Хивада почта идораси биноси ва бир симли алоқа линияси қурилди. Бу линия Хива, Урганч, Хонқа, Ҳазорасп ва Янгиариқ туманларини бирлаштирар эди. 1913 йили Хива почта-телеграф идорасига биринчи бўлиб Морзе телеграф аппарати ўрнатилди.

1983 йили Алоқа вазирлигининг 139-сонли қарорига асосан алоқа воситаси Хоразмда биринчилардан бўлиб қўлланилганлиги эътиборга олинган ҳолда хайрли ишга қўл урилди. Республикадаги ягона алоқа музейи Хивада ташкил этилди. Музей 1912 йили қурилган бинода ўз фаолиятини бошлади. Мазкур музей тўртта залдан иборат бўлиб, унда телевидение-радиоузатиш, телефон-телеграф, почта алоқалари тарихига оид экспонатлар ва шу соҳада хизмат кўрсатган ходимлар ҳамда меҳнат фахрийлари ҳақидаги маълумотлар, расмлар, тарихий ҳужжатлар жойлаштирилган. Экспонатларни томоша қилган одам тарих қаърига шўнғийди ва ўзини яқин ўтмишда юргандек ҳис қилади. Алоқа музейида жами 354 дона турли хил экспонатлар ўрин олган. Музейни маблағ билан таъминлаш ва уни кенг омма ҳамда чет эллик сайёҳларга таништириш мақсадида музей 1986 йили Хиванинг "Ичон қалъа" қўриқхонаси билан келишилиб, саёҳат йўналишига киритилган эди. Лекин бу сай-ҳаракатлар кутилган натижани бермади.

— Кейинги ўн бир йилдан буён алоқа музейини сақлаш учун сарфланган ва сарфланаётган харажатлар корхонамизга қарашли Хива филиали томонидан амалга ошириб келинмоқда, — дейди "Хоразм почтаси" АЖ директори Маматсалай Полвонов. — Алоқа музейи тарихий аҳамиятга эга бўлган бинода жойлашган. Бинони почта балансида сақлаб қолиш чораси кўрилмоқда. Бинода филиалнинг маъмурий аппарати ўрин олади. Музейнинг бир қисмига почта операция залини жойлаштириш режалаштирилмоқда. Бу билан аҳолини алоқа соҳаси тарихи билан яқиндан танитиш ва битта бинода хизмат кўрсатишнинг ҳамма туридан кенг фойдаланиш имконияти туғилади. Ўтмишимиздан дарак бериб турадиган маданий ёдгорликларни асраш ва келажак авлодга бутунлигича етказиш бурчимиздир. 2001 йили музей биносини иситиш мажмуини ташкиллаштира "Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти томонидан 2,5 миллион сўмлик харажат қилинди. Бундан ташқари алоқа музейини сақлашга ҳар йили 2 миллион сўм атрофида маблағ сарфланмоқда. Музей биносини жорий таъмирлаш ва экспонатларнинг яхши сақланишига эришиш учун қўшимча 6,5 миллион сўм маблағ талаб қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида битта корхонага шунча харажатлар оғирлик қилмайдими, деган ҳақли савол туғилади. Чунки ҳозирги шароитда кўпчилик фойда бермайдиган ишга қўл урмайди. Лекин фақат фойда кетидан қувиб, маданий меросимиз ва бебаҳо қадриятларимизга эътибор бермаслик янада қимматга тушиши мумкин. Республикадаги ягона алоқа музейини жорий, шунингдек капитал таъмирлаш ҳамда сақлаш харажатлари марказлашган ҳолда амалга оширилса ва қўллаб-қувватланса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тарихий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва уларни бекаму-кўст кейинги авлодларга қолдириш барчамизнинг бурчимиздир.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ, Хоразм вилояти

ОБЪЯВЛЕНИЕ!

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ОТКРЫТОГО ТИПА "УЗИМПЭКСАЛОКА", расположенное по адресу г. Ташкент, ул. А.Темура, 24, сообщает о существенных фактах своей финансово-хозяйственной деятельности согласно приказа Центра по координации и контролю за функционированиями рынка ценных бумаг №1127 от 18.04.2002 г. "Об утверждении положения о раскрытии информации участниками рынка ценных бумаг":

1. Реорганизация АООТ "Узимпэксалока". Порядковый номер сообщения — 01.

Решением годового общее собрание акционеров "Узимпэксалока" от 18.03.2003 г. было принято решение о преобразовании АООТ "Узимпэксалока" в ЗАО.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Фарғона Телеком" филиали Сўғд телекоммуникация боғламаси жамоаси корхона катта ҳисобчиси **Бобожон КОДИРЖОНОВни** туғилган куни билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Қорақалпоқ почтаси" акциядорлик жамияти Хўжайли филиали ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона ходими **Марина МАҲМУДОВАни** 40 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан қутлайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ишларида омад тилаб қолади.

Азиз ва қадрли дадажон!

Мен Сизни баҳор айёми — Наврўзи олам ва тавалуд кунингиз билан чин юракдан қутлайман.

Қизингиз Марҳамат

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини эзгулик байрами — Наврўз билан чин юракдан муборакбод этади.

Ниятимиз - ҳар бир хонадонда илиқлик, ёруғлик, аҳиллик ҳукм сурсин.
Наврўз - йилнинг бошланиши файзли ва тўкин бўлса, йил охири ҳам шундай бўлади.



Мамлакатимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!
Байрамингиз муборак, азизлар!

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилиб келаётган барча ҳамкасбларини баҳор, янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади!

Ахборот-коммуникация технологиялари турмушимизга жадаллик билан кириб келаётган даврда соҳамизнинг ривожи ва Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган шарафли меҳнатингизда Сизларга кучгайрат, омадлар ёр бўлсин.

Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ кунда биз ҳам Сизларга сиҳат-саломатлик ҳамда Яратгандан ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файз-барака тилаймиз.
Барчангизнинг хонадонингиз шодликка тўлсин!

"АЛОҚАБАНК" АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

гўзал Ўзбекистонимиз аҳлини, акциядорлари ҳамда мижозларини НАВРЎЗ АЙЁМИ билан чин дилдан муборакбод этади.

Бутун борлиқ яшариб, еру кўкда буюк мўъжизалар содир бўладиган паллада Наврўз нафосати ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга шодлик олиб келсин!



Сизлар билан ўзаро ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз ҳамда Наврўзда бу алоқаларимиз янада мустаҳкамланишига умид билдирамиз.

DAEWOO UNITEL

Шучва корхонаси Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини баҳор байрами — Наврўзи олам билан самимий таврикладди.
Ҳаммангизга бахт, соғлик ва омад тилаймиз!

КИРИШ ҚУНҒИРОҚЛАРИ
Тармоқ ичида
(KOMFORT хизмати режасидан ташқари)
БЕПУЛ!

Уланиш SIM карта	БЕПУЛ!	~~40$~~ 15$ (50 фоиз чегирма билан)
Минимал депозит (уланиш жараёнида)		~~50$~~ 25$
ШАРТНОМАНИ ТИКЛАШ 2003 йил апрел охиригача		БЕПУЛ!

Юқорида келтирилган ўзгаришлар 2003 йил, 6 мартдан ҳақиқий ҳисобланади.
Кўрсатилган барча нархлар ҚҚС сиз (депозит ҚҚС сиз)

	Хизмат кўрсатиш режаси	Абонентлик тўлови
АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАР	VIP	~~105$~~ 85$
эфир вақти чекланмаган хизматлар кўрсатиш режаси учун	VIP INTERNATIONAL	~~145$~~ 125$

ОВОЗЛИ ВА ФАКСИМАЛ
Почта
ХАЛҚАРО SMS
SMS Chat SMS E-mail SMS Web

For your satisfaction only!

UNITEL

Бош офис:
Тошкент шаҳри, Бухоро кучаси, 1-уй.
Тел: 185-00-22
Интерконтинентал мехмонхонасидаги фиёмал
Тошкент шаҳри, Амир Темур кучаси 107"-уй.
Тел: 185-09-80

Компаниянинг филиалларини фиемалари:
Андижон: 53-00-56, Бухоро: 223-05-06, Карши: 221-15-02, Қуқон 2-30-30, Навоий 225-89-00, Наманган 4-29-53, Нукус: 222-71-59, Самарқанд 33-09-06, Термиз 7-52-19, Ургенч 226-28-50, Фарғона 24-10-31

Лицензия РТ №0000123

РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз алоқа ходимларини Наврўзи олам билан қизғин табриклайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ АЛОҚАЧИЛАРИНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — НАВРЎЗ АЙЁМИ БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙДИ.

Наврўзи олам барчангизга бахт-саодат, кўтаринкилик, хонадонингизга осойишталик ҳамда дастурхонингизга тўкинлик олиб келсин.

Байрамингиз муборак бўлсин!

ТОШКЕНТ АЛОҚА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини умумхалқ байрами Наврўз билан чин дилдан самимий қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, омад, Ватан ободлиги, гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик меҳнатингизда зафарлар тилаймиз.

БАХТ ВА САОДАТ ҲАМИША СИЗЛАРГА ЁР БЎЛСИН!

"ALSKOM" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни уйғониш даври, гўзал баҳор фаслининг Наврўз айёми билан чин қалбдан муборакбод этади. Ҳар бир хонадонга бахт ва шодлик, тинчлик ҳамроҳ бўлишини тилаб қолади.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Барча алоқачиларни яшариш ва янгиланиш айёми бўлган Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Юртимизга тинчлик, осойишталик, дастурхонингизга кут-барака, ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

"Адолат кучи" адвокатлик фирмаси

Ўзбекистон халқини азалий баҳорий байрам — НАВРЎЗ билан чин қалбдан табриклайди.



Тун ва кун тенглашаётган, борлиқ ажиб гўзалликка тўлган кунларда истаймизки, ҳар бир хонадондан ҳеч қачон файзу барака аримасин, тинчлик ва тотувлик ҳамиша ҳамрозингиз бўлсин.

Байрамингиз муборак, азиз дўстлар!

"ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва барча алоқачиларни гўзаллик ва баҳор байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Янгиланиш ва яшариш байрами барчангизга бахт, қувонч, фаровонлик ва омад олиб келишига тилакдошмиз.

Ватанимиз равнақи йўлидаги барча ишларингизга зафар ёр бўлсин!

"КАМАЛАК-ТВ"

қўшма корхонаси жамоаси ўз ходимлари, мижозлари ва бутун юртимиз аҳолисини кириб келаётган баҳор байрами —

НАВРЎЗ билан самимий табриклайди.

Гўзаллик, яшариш ва бахт байрами муносабати билан барчага сиҳат-саломатлик, баҳорий кайфият, узоқ умр ва муваффақиятлар тилаймиз.

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

"ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
серқуёш Ўзбекистонимиз халқини Наврўз айёми билан чин қалбдан табриклайди.
Тинчлик ва тараққиёт йўлидан собит қадамлар билан бораётган меҳнатсевар халқимиз ва она- Ватанимизнинг келажаги ана шу Наврўз байрамидек фусункор ва тароватли бўлаверсин!


"КОИНОТ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
серқуёш Ўзбекистонимизнинг кўп миллатли меҳнатсевар халқини баҳор байрами – Наврўз билан самимий қутлаб, мана шу саховатли заминдаги ҳар бир оила ва хонадонга тинчлик-тотувлик, меҳр муҳаббат ва фаровонлик тилайди.
Муҳтарам юртдошлар! Севимли диёримизда бундай улуғ шодиёнали кунлар кўпаяверсин!

Шаҳарлараро Ва халқаро алоқа тармоқларини бошқариш маркази жамоаси
Сиз алоқачиларни баҳорий айём — Наврўз билан табриклайди.
Азиз алоқачилар!
Қуклам, янгиланиш, меҳр-оқибат ва саховат байрами — Наврўзингиз қутлуғ бўлсин.
Наврўздан Наврўзгача омон бўлайлик!

"ХАЛҚАРО ПОЧТАМТ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ
Ватандошларимизни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий қутлайди
Жонажон юртимизнинг порлоқ келажаги, фарзандларимиз камолп ва бахт-саодати учун ҳар биримизга юракдан меҳнат қилиш, ёниб яшаш насиб этсин!
Азиз юртдошлар! Севимли ва жаннатмонанд диёримизда байрамлар байрамларга уланаверсин!

Mulohaza Muammo

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ёшларимизнинг телекоммуникация соҳасига, хусусан компьютерга қизиқишлари юқори. Демак, ўқитишда ана шундай технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай воситаларга кадоскоп, видео кўзгу, видеопроектор, телевизор-видео, компьютерларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Республикамизнинг барча ўқув муассасаларига компютер технологияси кириб борган ва эндиликда бундай технологиялардан дарсларда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун компютерга ўқув фанига оид бўлган барча маълумотларни (фан тарихи, олимлар ижоди, маърузалар матни, тестлар, мисол ва масалалар тўплами, илмий ва ижодий ишлар намунаси, индивидуал вазифалар) киритиш зарур. Ўқув жараёнида талабаларга тушунарли бўлиши учун мавзу замонавий технологиялардан фойдаланилган ҳолда ёритилади. Масалан, видеопроектор қурилмасидан фойдаланиш масаласини олиб кўрайлик. **Видеопроектор** — компютер экранидаги тасвирни катталашган ҳолатда девор ёки тасвир доскасида кўрсатувчи қурилмадир.

Ҳозирги кунга келиб кўпгина фанларга доир электрон дарсликлар чиқарилган. **Электрон дарслик** деганда маълум бир йўналишда китоб ҳолатига келтирилган дарслик тушунилади. Бу дарсликни фақатгина компютер орқали ўқиш мумкин. Мазкур дарсликлар дастурчилар томонидан қаттиқ дискларга киритилади.

Замонавий технологиялардан яна бири видео кўзгу қурилмасидир. **Видео кўзгу** қурилмасининг вазифаси кўзгуда кўриниб турган матн ҳамда тасвирни телевизор ёки компютер экранида кўрсатишдир. Мазкур қурилмадан фойдаланишнинг афзаллик томонлари кўп. Масалан, турли хил шакл, жадвал ва тасвирни видео кўзгу орқали кўрсатиш ҳамда уни компютер хотирасида сақлаб, келгусида ундан яна фойдаланиш мумкин.

Ўқув қуролларимиз кўп ҳолларда яроқсиз ҳолатга келиб қолади ва уларни ишлатиб бўлмайди. Бундай вақтда компютеримиз хотирасидаги маълумотлардан фойдалансак ўринли бўлади. Видео кўзгу бошқа қурилмалар (кадоскоп, видеопроектор)нинг вазифасини ҳам бажара олади. Фарқи шундаки, тасвир доскада эмас, телевизор ёки компютерда ўз ифодасини топади.

Компютерлар локал тармоққа уланган бўлиши мумкин. Локал тармоқ деганда бир компютерга бўйсунувчи компютерлар тизими тушунилади. Ўқитувчи бош компютерга барча маълумотларни киритган ҳолда ҳар бир талаба билан ихтиёрий мавзуда дарс олиб бориши мумкин. Эндиликда ўқитувчи саксон дақиқа давомида барча талабалар билан бир хил ёки ҳар бир талаба билан турли хил мавзуни ўтиш ва ҳаттоки локал тармоқ орқали назорат ишларини ҳам олиб бориш имкониятига эга. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир талаба билан компютер орқали мустақил дарс олиб бориш йўлга қўйилади.

Компютер технологиясидан фойдаланмасдан ҳам ўқитиш имкониятларини ошириш мумкин. Бунинг учун замонавий технологиялардан бири — кадоскоп қурилмасидан фойдаланиш лозим.

Кадоскоп — қоғоздаги исталган тасвирни катталаштирган ҳолатда тасвир доскасида кўрсатувчи қурилма. Ўқитувчи уйда ўтиладиган янги мавзуга тегишли бўлган ҳар хил чизмаларни қоғозда ифодалаб, дарсда кадоскоп қурилмаси орқали талабаларга кўрсатиши мумкин. Бу эса дарс вақтини тежайди, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини оширади. Шунингдек, кадоскоп қурилмаси орқали тест машғулотлари ўтказиш, ҳаттоки бутун мавзуни ҳам тушунтириш мумкин. Машғулотларни олиб боришда имкониятлар етарли бўлади. Фақат ундан фойдалана олиш керак.

Мадомики мақсадимиз баркамол авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш экан, юқоридаги техник воситалардан самарали фойдаланиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Голиб ЖАЛИЛОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси

“ЎЗБЕКИСТОН – БУГУН” ОНЛАЙН - ФОТОГАЛЕРЕЯСИ ОЧИЛДИ

Интернетдаги www.uzgallery.uz манзили бўйича “Ўзбекистон — бугун” деб аталган онлайн-фотогалереяси очилди.

Фотогалерея ҳозирги Ўзбекистон ҳаётининг турли жиҳатларига бағишланган 10 та бўлимдан иборат.

Сайтда таъкидланишича, “бу ерда ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари, ноёб меъморий ёдгорликлари, иқтисодиёт, соғликни сақлаш тизими ва спортни ривожлантириш, республикада яшаётган миллат ва элатлар ҳамда бошқа кўп мавзулар ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратларни топишингиз мумкин”.

Галерея Ўзбекистон Президентининг Матбуот хизмати, “UzPAK” Маълумотлар узатиш давлат тармоғи корхонаси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий ахборот тижорат маркази, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) ва “Жаҳон” ахборот агентлиги саъй-ҳаракатлари натижасида ташкил этилди.

Фотогалерея янги суратлар билан мунтазам бойитиб борилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

“Самарқанд Телеком” филиали жамоаси корхонанинг Электралоқа бўлими бошлиғи А.Шароповга қайнотаси **Абдухолиқ ШОКИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ALOQA OLAMIDA

МОБИЛ АЛОҚАГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

Ўтган ҳафта дунёда илк тижорий портатив уяли телефони ишлаб чиқарилганига 20 йил тўлди. 1983 йили Американинг Motorola компанияси 15 йиллик изланишлардан сўнг Dyna TAC 8000X аппарати тақдим қилган, уни ишлаб чиқариш учун 100 млн. долларлан ортиқ маблағ сарфланган эди. Биринчи мобил телефонининг оғирлиги 794 грамм, ҳажми эса 33x4,4x8,9 см.дан иборат бўлган.

Телефон биринчи бўлиб АҚШнинг алоқа бўйича Федерал комиссияси томонидан тижорий фойдаланиш учун сертификатланганди. Янги маҳсулот бозорга оз эмас, кўп эмас 3995 доллар баҳосида сотувга чиқарилса-да, барибир у омма орасида тез тарқалиб кетди.

— Мобил телефони имкониятларидан ҳайратланган аҳоли юқори нархда эканлигига қарамасдан, унга эга бўлиш учун ойлаб навбат кутар эди, — дея эслайди Dyna TAC 8000X аппарати дизайнерларидан бири Руди Кролпп.

Motorola компанияси биринчи уяли телефонининг 20 йиллиги муносабати билан Нью-Йоркда икки ҳафталик кўргазма ўтказилишини эълон қилди. Кўргазмада 100 дан ортиқ экспонатлар, жумладан Иккинчи жаҳон урушидаги биринчи ҳарбийлар рацияси, Ойда космонавт томонидан илк бор қўлланган тўғридан-тўғри маълумот узатиш қурилмалари намойиш этилади.

ЎЗАРО КЕЛИШУВ

Тайваннинг Taiwan Chnunghwa Telecom оператори Финляндиянинг Nokia компанияси билан Nokia Delivery Server (NDS) уяли тармоқ сервери ускунларни жорий қилиш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатишини таъминлаш бўйича шартнома имзолади. Бунга қадар Тайван оператори мазкур сервер устида тестлаштириш олиб борган ва унинг ишини қониқарли баҳолаган эди.

NDS телефонлар ва бошқа мобил қурилмаларга қатор қўшимчалар киритиш имкониятини беради ҳамда маҳаллий оператор сервери билан ҳамкорликда иш олиб боради. “Қўшимча даромад манбаи” — мобилникларга мусиқалар тайёрлаб бериш, турли хил ўйинлар ташкил қилиш ва бошқа хизматлардан иборатдир.

Taiwan Chnunghwa Telecom — Тайван давлат оператори оролнинг 7,5 млн. аҳолисига хизмат кўрсатади. Унга маҳаллий бозорнинг 31 фоизи тегишли бўлиб, мамлакатда етакчи операторлардан бири ҳисобланади.



ТЕХАС УНИВЕРСИТЕТИ ХАКЕРЛАРДАН ЖАБР КЎРДИ

Остиндаги Техас университети маъмурияти университетнинг компютерлари номаълум хакерлар томонидан бузилганини эълон қилди. Жиноятчилар мазкур йилнинг феврал ойидан бошлаб университет ходимлари ва талабалари ҳақидаги маълумотларни ўғирлаш мақсадида ўз ҳужумларини бошлаган эди. Уларнинг нияти март ойининг бошларига келибоқ амалга ошди. Бундан жами 59200 киши жабр кўрди. Улар ичида талабалар, битирувчилар, университетнинг ҳозирги ва собиқ ходимлари бор. Таъкидланишича, тиббий суғурта ва кредит карталар зарар кўрмаган. Ўғирлик ҳақида барча жабрланувчилар хабардор қилинган.

Айни вақтда университет маъмурияти махсус хизмат вакиллари билан биргаликда хакерларни қидириб топиш ишларини олиб бормоқда. Бироқ бу ҳаракатлар ҳанузгача ўз самарасини бергани йўқ.

ИНТЕРНЕТДАН 58 МИЛЛИОН ХИТОЙЛИК ФОЙДАЛАНАДИ

Хитойнинг Интернет ахборот маркази хабар беришича, Хитой Халқ Республикаси шу тариқа “виртуал олам”да сайёҳат қилувчиларнинг умумий сони бўйича дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринга кўтарилиб олди. Фақат сўнгги йилнинг ўзидаёқ Хитойда Интернетдан фойдаланувчилар сони 28,7 млн. кишига ошган.

Маҳаллий мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Интернетнинг хитойлик мижозлари асосан 35 ёшдан кичик бўлган, уйланмаган эркаклардир. Бироқ “виртуал олам” ёш хитой қизларини ҳам тобора кўпроқ жалб қилмоқда.

Аниқланишича, хитойликларни Интернетда кўпроқ хизматлар тўғрисидаги ахборотлар, электрон почтали обуна, ўйинлар ва фотосуратлар қизиқтирар экан. БМТнинг маълумотларига биноан, айни вақтда дунё бўйлаб 655 млн. Интернет-мижозлар мавжуд. Мутахассислар 2003 йилнинг охирларида Интернетдан фойдаланувчининг ҳар ўнинчиси хитойлик бўлишига ишонч билдиришмоқда.

УЙДА ИШ, ИШДА ДАМ...

Эҳтимол, раҳбарият иш вақтида ходимларининг Интернетдан шахсий мақсадда фойдаланишини таъқиқлашлари шарт эмасдир. Сабаби улар Тармоқдан “самарасиз” фойдаланганлик айбини уйидаги компютерида хизмат вазифаларини бажарган ҳолда “ювишмоқда”. Ҳар ҳолда Буюк Британия аҳолиси айнан шу йўлни тутмоқда.



Бундай хулосани Мериленд Университети ва Rockbridge Associates Маркетинг компанияси тадқиқотчилари чиқаришди. Тадқиқотлар 2002 йилнинг декабрида ўтказилиб, унда 501 киши иштирок этди. Сўровлардан аниқланишича, ўз уйида Интернетга уланган компютери мавжуд фуқаролар иш давомида 3,7 соат вақтини шахсий мақсад учун тармоққа киришга сарфлайди. Айни чоғда ходимлар шахсий компютерида хизмат юзасидан 5,9 соат вақтини сарфламоқда.

Таҳлилчилар бундай иш жараёни ташкилотларга зарардан кўра кўпроқ фойда беради деган хулосага келишди.

Internetdan olindi

НАВРЎЗ — ЙИЛ БОШИ БАЙРАМИ

Наврўз халқимизнинг қадимий анъанавий янги йил — йил боши байрами. Муаррихлар Наврўз — деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ қадимий байрам бўлиб, бизнинг минтақада милоддан аввалги V-II минг йилликларда вужудга келган деб айтадилар. Демак, Наврўз тарихи камида беш минг йилни ўз ичига олади. Муҳаммад Нархаший, Абу Райҳон Беруний, Абулқосим Фирдавсий, Алишер Навоий каби буюк бобокалонларимизнинг ёзиб қолдиришича, Наврўз зардуштийлар эътиқоди билан боғлиқ ҳолда вужудга келган анъанадир. Зардуштийлар эътиқодига кўра, эрта кўкламда гиёҳлар униб, дарахт шохлари куртак оча бошлаган вақтда қора кучлар — Ахриман даф бўлиб, эзгулик, яхшилик маъбуди Ахурамазда (Хурмуз) теваракка ёруғлик нурларини тараптан. Ёвуз кучлар устидан эзгулик ғалаба қилган кунларни шоду хуррамлик билан кутиб олган. Зардуштийлар китоби "Авесто"да шундай битик бор: "Бугдой ўстира бошланса, девларни қора тер босади, бугдой совурила бошланса, девларнинг мадори қурийди, ун тайёр бўлганда эса девлар нола-фиғон чекишади... Девларни маглуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим — бу овқат ейилганда девлар тум-тарақай бўлиб қочишади". Бугдой илдизи ва ундан тайёрланадиган сумалакнинг келиб чиқиши ҳам моҳиятан ана шу эътиқод билан боғлиқ. Ўндириш учун ёйиб қўйилган бугдойга тез-тез сув сепиб туриш, уни бегона кўздан асраш удуми шундан қолган бўлса керак.

Қадимги туркийлар Наврўзни 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси "Қозон тўлди" удуми билан бошлаганлар. Бу қабилавий-оилавий удум бўлиб, бунда ҳар бир оила ўз имкониятига қараб тансиқ таомлар, (бўтирсоқ, кўк сомса, палов ва бошқалар) тайёрлаганлар. Пиширириқлар, таомлар қўни-қўшниларга ҳам улашилган. "Қозон тўлди" эртаси куни давом этиб, "ис" ёғи билан қўшта қўшиладиган ҳўкизларнинг шохи мойланган. Кўпчилик бўлиб ҳалим, сумалак пиширириш "Қозон тўлди" удумидир. Наврўз кунлари кўпчилик бўлиб тайёрланадиган "Дарвешона", "Ҳалим", "Қўча ош" каби таомлар ҳам "Қозон тўлди"нинг ҳозиргача сақланиб келинаётган анъанавий кўринишларидир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳам Наврўз байрами халқнинг шодиёнаси тарзида нишонланган. Наврўз тантаналари азиз-авлиёлар мозорлари ёнида, хонадонларда, сайилгоҳларда ўтказилган. Манбаларда Соҳибқирон Наврўзни Самарқандининг Конигул мавзесида, Қўқон тепалигида, Кеш сайилгоҳида, ҳарбий юришлари вақтида эса кўпроқ Қорабоғ (Озарбойжон)да ўтказганлиги ҳақида айтилади. Қизиғи шундаки, Амир Темур даврида ҳам "Қозон тўлди" удуми уюштирилган.

Соҳибқирон Амир Темур қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, Наврўз кунлари жанг қилмаган, халқдан хайру эҳсонларини аямаган... Амир Темурдан сўнг тахтга чиққан Темурийлар, хусусан, Хуросонда Шоҳруҳ, Мовароуннаҳрда Улуғбек, Абусаид, Ҳиротда Ҳусайн Байқаро, Ҳиндистонда Бобуршоҳ, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгиршоҳ замонларида Наврўз энг улуғ байрамлардан бири сифатида нишонланган. Темурий подшолар Наврўз кунларида энг адолатли кўрсатма ва буйруқлар бериб, халққа эмну омонлик, хайр-саховат қилар эканлар: жангоҳларда олишув, қон тўкиш вақтинча тўхтатилган, оммавий сайилга, ов қилишга тайёргарлик кўрилган, мусобақалар кўриги, от ўйини ўтказилган, найза отиш, кураш бўйича беллашув, қўшиғу шеърхонлик кечалари уюштирилган... Яна шу нарса диққатга сазоворки, бир неча кун сиёсатдан холи бўлинган, музокаралар олиб борилмаган.

Ҳусайн Байқаро замонларида Наврўзни нишонлашга Навоий бошқош бўлиб, халққа ош берилар, олимлар, шоирлар, сипоҳийларнинг энг кўзга кўринганлари, обрўли одамлар тақдирланар экан. Маҳбусларнинг гуноҳлари кечириларкан, элулус эса ўзаро низолар, гиналарини унутишиб, бир-бирларига хурсандчилик, севинч улашаркан. Кўп жойда шийпонлар қурилиб, уларда шеърхонлик, илмий мунозара ва суҳбатлар ўтказилар экан.

Байрамлардан бирида Алишер Навоий, Жомий ва бошқа машҳур кишилар қаторида ўтирган бир шайх шундай дебди:

— У байрамдан бу байрамгача ҳар бир киши бир ёшга кириб, тобора умри қисқаради ва нариги дунёга яқинлашиб боради. Лекин одамларга ҳайронман, бундан қайғуриш ўрнига ўйин-кулгуга мукасидан кетадилар.

Алишер Навоий бунга жавобан:

— Дарҳақиқат, йил сайин одамларнинг умри қисқаради, лекин унга Наврўз байрамининг асло дахли йўқ.

Кеч кузда шайхнинг тоби қочиб, узоқ ётиб қолибди. Навоий йўқлаб кирганда у дебди:

— Кўриб турибсиз, аҳволим оғир. Наврўз байрамини кўриш менга насиб бўлмаса керак. Бордию тузалсам, байрам куни ўртага тушиб ўйин-кулгига бош-қош бўлардим.

— Менинг ишончим комил, Сиз байрамда қатнашсиз ва соғайиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз, — деб Навоий бемор шайхнинг кўнглини кўтарибди.

— Ҳазрат, ташаккур! Сиздек зотнинг тилаги ижобат бўлгуси. Бу менга умид бағишлайди, — дебди шайх.

Буни қарангки, шайхнинг соғлиги борган сари яхшиланиб, ўтирадиган бўлибди. Наврўз айёмида уни замбилда шийпонга олиб боришибди. Ашула ва рақслар шайхнинг кайфиятини янада кўтарибди. Аста-секин ўрнидан туриб, қадам ташлаб ўйин, кулги даврасига интилаётганида уни Навоий "узилиб қоласиз" деб тўхтатибди. Қиссадан ҳисса шулки, ҳазрат Навоий ташаббуси билан беморларни ҳам Наврўз байрамига олиб чиқиш кенг расм бўлган экан.

Ўтган улуғларимизнинг бу анъаналари бугунги кун учун улуғ ибратдир.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди

BU QIZIQ!

Кейинги пайтларда бўйдоқлар сони кўпайгандан кўпайяпти. Биргина Англияда сўнгги йилларда бўйдоқлар сони 21 фоизга етган. "Таймс" газетасининг берган маълумотига қараганда, ўтган йили сўққабош эркакларнинг сони 3,3 миллиондан ошган.

Бунинг сирини эркакларнинг турмуш тарзи кун сайин яхшиланиб бораётганлиги билан изоҳлашмоқда. Уларнинг қозон-товоғи, ош-нонини, кир-чирини хизматкор аёллар бекаму кўст адо этаяпти. Шунинг учун ҳам бўйдоқлар кўпроқ соғлиқлари тўғрисида қайғуриб, навқирон дамларини спорт залларида ўтказаётган экан.

ХАНДАЛАР

— Кечирасиз, айтолмайсизми, соатингиз неча бўлди?

— Соат ҳозир етти минут кам...

— Хўш, неччига етти минут кам?

— Унисини айтолмайман, чунки соатни кўрсатадиган мили синиб қолибди.

— Кўп ўтириб қолиб, сизларни анча қийнаб қўйдимми дейман, — деди меҳмон хайрлашаётиб.

— Йўқ, нималар деяпсиз, бу пайтда биз барибир уйғониб, ишга отланаётган бўлардик.

— Сиз доира чалишни ўрганяпсизми?

— Ҳа, мана бир йилдан бери...

— Хўш, бирор ютуққа эришдингизми?

— Эришганда қандоқ. Барча қўшниларим кўчиб кетишди. Бутун бошли кўп қаватли уйда фақат бизнинг оила қолди.

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ — ОНАЛАР ҚЎЛИДА

Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим.

Амир ТЕМУР

Пайғамбаримиз саллолоҳи алайҳи вассалам бир Ҳадиси шарифларида: "Кимнинг учта қизи бўлиб, тарбиясини яхши қилса, Аллоҳ таоло уни қиёмат куни жаннатга киритади", дедилар. Шунда бир киши туриб: "Иккита қизи бўлса-чи, эй Аллоҳнинг Расули?" — деб сўради. "Иккита қизи бўлса ҳам", — деб айтдилар. Он ҳазратларидан: "Битта бўлса-чи?" — деб сўради иккинчи киши. "Битта қизи бўлса ҳам", — деб жавоб бердилар Пайғамбаримиз.

Имом ал-БУХОРИЙ

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан бехабар ўтади.

СТЕНДАЛ

Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади.

ҲАДИСДАН

Аёлнинг сариштаси — рўзғорнинг фариштаси.

Ўзбек мақоли

СУМАЛАК АЙТИШУВИ

— Алижон, ҳо Алижон!

— Лаббай!

— Сумалак сайлига келган киши сал очилиб ўтиради. Жа ўйланиб қопсиз. Бу бошми ё қуда томондан келган тоғорами?

— Валижон, ҳо Валижон!

— Лаббай!

— Ҳали пишмаган сумалакдан роса ялаяпсиз-да. Бу қоринми ё бешик тўйдаги ноғорами?

***

— Алижон, ҳо Алижон!

— Лаббай!

— Қозонга яқин ўтириб анча очилиб кетибсиз. Бу — қошингиз қаросиму ё қозоннинг куясими?

— Валижон, ҳо Валижон!

— Лаббай!

— Ўзингиз ҳам ўчоқбошидан кетмай қолдингиз. Юзингиз қип-қизил, қараган одамнинг суқи кирадия. Бу бурунми ё войвоякнинг уясими?

***

— Алижон, ҳо Алижон!

— Лаббай!

— Сумалак пишириш осон эмас. Қаранг, қанча одам овора. Сиз бўлсангиз бир кавламаёқ ҳансираб қолдингиз. Кўзингиз гоҳ очилиб, гоҳ юмилиб турибди. Билмаган одам бу кўзми ё пўстакнинг тешигими, дейди-да.

— Валижон, ҳо Валижон!

— Лаббай!

— Кўзим пирпираётгани рост. Аммо ўзлариям анчадан бери сумалак емаган кўринадилар. Қозонга қараб оғзингиз ланг очилиб қолди-я. Билмаган одам бу оғзими ё метронинг эшигими, дейди-да.

***

— Алижон, ҳо Алижон!

— Лаббай!

— Сумалак пиширишга келган одам елиб-югуриб хизмат қилади. Ўтин ёринг десак, болтанинг сопи калта экан, деб баҳона қилдингиз. Энди бўлса оёғингизни осмонга қилиб ётибсиз. Билмаган одам Алижон Сумалакдан қочди, дейди-да.

— Валижон, ҳо Валижон!

— Лаббай!

— Ишдан қочмаймиз. Аммо сизга сал тушунмай турибман-да. Сумалакка ҳамма бир ўзи келса сиз бутун маҳалланинг бола-чақасини йиғиб кепсиз. Қаранг, атрофингизда гуж бўлиб ўтиришибди. Билмаган одам Валижон сумалакнинг тафтида жўжа очганми, дейди-да.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Алишер ҲЎЖАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0001 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-249.
10528 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00